

Мавзу	Пармаларнинг геометрик параметрларини ўрганиш
--------------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти - 2 соат	Талабалар сони: 12 – 15 гача
Машғулот шакли	Лаборатория
Лаборатория режаси	1. Спирал парманинг геометрик параметрлари 2. Бурама парма параметрларини ўлчаш
Ўқув машғулотининг мақсади Спиралсимон парманинг геометриясини, конструкциясини ва геометрик параметрларини ўрганиш.	
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> • Спирал парманинг геометрик параметрлари кўрсатиб бериш. • Бурама парма параметрларини ўлчашни ўргатиш. 	Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> • Спирал парманинг геометрик параметрларини билиб оладилар. • Бурама парма параметрларини ўлчашни ўрганиб олишади.
Таълим бериш усуллари	Лаборатория машғулоту, “Инсерт” технологияси.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

**1.2. «Пармаларнинг геометрик параметрларини ўрганиш»
лаборатория машғулотининг технологик харитаси**

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдларини тайёрлаш. 3. Мавзунинг ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлаб қўйиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Лаборатория машғулотининг мавзусини айтади ва мавзу режаси билан таништиради. (1-илова)	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.
	1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова)	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
	1.3. Асосий адабиётлар рўйхатини тавсия этади. (3-илова)	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Спиралсимон парманинг геометрик параметрларини ёритиб берувчи слайдлар намоиши орқали кўрсатиб беради. (4-илова)	Тинглайдилар, ёзадилар.
	2.2. Бурама парма параметрларини ўлчашни ўргатади. (5-илова)	Бажаришади ва ёзишади.
	2.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. «Инсерт» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини қўйиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (6-илова)	Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун “Фрезаларнинг конструкцияси ва геометрик параметрлари” мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.